

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОДАВЛАТ ВА
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

"ДАВР, ЗАМОН, ШАХС"

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТДА ТАРИХ
ВА ЭТНОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ"

мавзусидаги

Республика илмий анжумани мақолалар тўплами



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОДАВЛАТ ВА
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ**

**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

“ДАВР, ЗАМОН, ШАХС”

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТАРИХ
ВА ЭТНОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

мавзусидаги

Республика илмий анжумани мақолалар тўплами



**TOSHKENT
“FAN VA TA’LIM”
2023**

УЎК 808.5(075.8)

КБК 83.7уа73

A77

“Давр, замон, шахс” “Янги Ўзбекистон шароитида тарих ва этнология фанларининг долзарб масалалари, ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий анжумани мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Fan va ta’lim”, 2023. – 832 б.

Масъул муҳаррир:

т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов

Такризчилар:

ф.ф.д., профессор П.Бакров,
ф.ф.н., доцент Б.Муртазаев,
т.ф.д., доцент Т.Р.Пардаев,
п.ф.н., доцент М.Бозорова,
т.ф.б.ф.д. (PhD) И.Қаршиев,
т.ф.б.ф.д. (PhD) Г.Ахмедова,
ўқитувчи М.Рахмонов

Котибият аъзоси:

Қўшоқова Моҳигул

ISBN-978-9943-000-0-0

“Fan va ta’lim”, 2023 й.

2. Атаханов Ш.Т. Фарғона водийси лўлилари (тарихий-этнографик тадқиқот). Ўш – 2017. Б.165; 166..

3. Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Доруломон қишлоғи, 2020 йил.

4. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины (историко-этнографический очерк), - Нукус 1959; С.112

5. Дала ёзувлари. Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Чароғон қишлоғи, 2020 йил.

6. Наливкин В.П, Наливкина М.А. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. – Казань, 1886. С.231.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ ШАКЛЛАНИШИ

Алимухамедова Нодира Ядгаровна
фалсафа фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) «ТИҚХММУ» МТҲ
E-mail: n.alimuxamedova@tiame.uz

Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда турли таҳдидлар кучайиб, миллатлараро тўқнашувлар, сиёсий ҳамда иқтисодий муаммолар, миллий-маънавий ҳаётимизга ёд унсурларнинг кириб келиши миллий ўзликни асраш масаласини янада долзарблигини кўрсатади. «Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Дунёдаги айрим сиёсий марказлар томонидан баъзи ҳудудларда сунъий равишда беқарор вазият юзага келтирилмоқда, норозилик қайфиятлари авж олдирилмоқда»[1]. Бу шароитларда, миллий ўзликни асраш, миллий манфаатлар йўлида жамият аъзоларини бирлаштириш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш муҳимдир. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» мақсади белгиланган экан, мамлакатимиз аҳолисида, айниқса ёшларда онгли, конструктив, фаол ва барқарор сифатларга эга бўлган ҳаётий позицияни шакллантириш жамият ва давлат олдида турган ниҳоятда долзарб вазифадир. Зеро, соғлом ҳаётий позицияга эга инсонлар билангина жамият тараққиётда юқори марраларни забт этиши мукин. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев “Биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайдиган масала, бу фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар

инсонлар сифатида тарбиялаш вазифасидир»[2] деб, масаланинг қанчалик долзарб эканлигини таъкидлайди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган либерал ислохотлар фуқаролар ҳаётида ўз ифодасини топиб, уларнинг дунёқарашида, кадриятлар мўлжалларида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Албатта, ушбу ҳолат шахснинг сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар натижасида яратилаётган шарт-шароитлар ва фуқаролар онгида тобора эркинликка бўлган талабнинг ортиб бораётгани билан боғлиқ. «Ўзбекистон тараққиётининг бугунги жараёнлари миллий ғоя ва маънавий янгиланиш йўналишида ҳам жамият ва давлатимиз ривожининг янги босқичи бошланганидан далолат беради»[1]. Янги Ўзбекистонни барпо этиш бевосита миллат тараққиёти ва бевосита миллат маънавияти билан боғлиқ жараёндир.

Шахс маънавияти - бу жамиятнинг ахлоқий меъёрларини, маданий ва тарихий контекстда, ижтимоий муносабатлар парадигмаларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг ўзини ва жамиятни идрок этишининг ўзига хос усулидир. Маънавият шахснинг жамиятда уйғун яшаши учун зарур шарт бўлган экзистенциал кадриятларга асосланган заминдир. Шахс мақсадга йўналтирилган фаол ҳаётий позицияга эга бўлиб, у орқали воқеликни ижобий томонга ўзгартиришга интилсагина маънавиятни онгли равишда англаши ва маънавий етук бўлиши мумкин бўлади. Шахс шаклланишига таъсир этувчи муҳим омиллар жамият аъзоларининг онгли ва фаол ижтимоий амалиётида намоён бўлувчи қарашлари ва ҳаракатларида ифодаланган маънавий ва ахлоқий кадриятлардир. Шахснинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик тамойилларини шакллантиришга йўналтирилиши жамиятнинг маънавий ҳаётини барқарорлаштиради ва амалга оширилаётган ислохотлар мақсадларига эришишга ёрдам беради. Маънавият муаммосини фалсафий методология асосида ўрганиш янгиланаётган жамиятимизда маънавий ахлоқий шахсни тарбиялаш жараёнида муайян йўналишларни аниқлашга имкон беради. Маънавий-ахлоқий кадриятлар шахснинг фаол ҳаёти жараёнида, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади.

Шахсни ижтимоий субъект сифатида белгилаш масаласи жамиятда туб ўзгаришлар рўй бераётган даврда пайдо бўлади; бундай тарихий даврда шахснинг маънавий ўз-ўзини англаши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва маънавий-ахлоқий шаклланиши ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Фақат фаолият жараёни шахсни ва унинг маънавий-ахлоқий кадриятларини шакллантиришга имкон беради. Айниқса, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши замонавий жамият модификациялари даврида ёрқин намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Инсоннинг дунёкараши ва қадрият йўналишлари унинг мафкуравий ва ахлоқий тамойилларини, ўзига хос барқарор боғланишлари ва хулқ-атворини белгилайди. Ёшларнинг фаолияти, интилишлари ва мақсадларининг маънавий ва ахлоқий йўналишларининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш, шубҳасиз, кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун муҳимдир. Маънавият инсон томонидан инсон ахлоқини шакллантирадиган умуминсоний қадриятларни қабул қилишдан иборат. Бу ҳолда ахлоқ деганда шахснинг маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки умуман жамият ичида тақсимланган қадриятларни қабул қилиш ёки рад этиш бўйича шаклланган позицияси тушунилади. Маънавият ва ахлоқ инсоннинг муҳим хусусиятларидир. Айнан маънавият ахлоқ билан уйғунлашиб, инсоннинг ижтимоий моҳиятини белгилайди ва жамиятни шунчаки одамлар тўпламидан фарқли ўлароқ, итимоий организм деб ҳисоблашимизга имкон беради. Умуман олганда, таракқиёт ривожланган қадриятлар ва ғоялар тизимига асосланган, жамиятни ўзгартирувчи инсон ҳаракатларига асосида амалга ошади.

1. Асримиз ахборот асри экан, инсониятнинг ахборотлашган жамият босқичига ўтиши тобора чуқурлашиб бораётган даврда, бутун инсоният, шу жумладан халқимиз ҳам маънавиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлар остида яшамокда. Ушбу жараёнда жамиятимиз маънавий ҳаётига турли-туман ахборот, илм-фан, маданият ва санъат, янги цивилизatsiялар, технологияларнинг кириб келиши билан биргаликда турли зарарли ғоялар ва мафкуралар таҳдидининг вужудга келиши бугунги кунда шундай глобаллашув шароитида маънавият муаммосини, маънавий хусусиятларимизни сақлаш ҳамда маънавий тарбияни ривожлантириш масалаларини долзарб вазифа сифатида кун тартибига кўймоқда. “Биз маънавиятнинг ҳам, маданиятнинг ҳам таназзул даражасининг ўсиб бориши гувоҳи ва иштирокчисига айландик ва агар бу жараён тўхтатилмаса, замонавий цивилизatsiя фожиаси муқаррар бўлиб қолишини тушунамиз. Бутунжаҳон Интернет - бу фавқулодда танлов эркинлигини беради, лекин фойдаланувчини ўз шериклари даврасида ҳам ёпиши мумкин. Интернет ҳам яратиши, ҳам йўқ қилиши мумкин”[3]. Шундай экан, ёшларнинг маънавий оламини бузғунчи таъсирлардан асраш учун таълим-тарбия қайси тамойилларга асосланиши ва қандай жиҳатларга эътибор қаратиш керак? Фикримизча, ёшларнинг тафаккур тарбиясига кўпроқ эътибор қаратиш улар маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2021. – Б. 293-295.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.103.
3. Гаффарова, Г.Ф. Ахборотлашган жамиятда маънавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари. /ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 2 | 2021.

SURXON VOHASI CHORVACHILIGIGA OID QADIMIY E'TIQODLAR

*Ergashov Isroil Abdumalik o'g'li,
Termiz davlat universiteti
tarix fakulteti o'qituvchisi*

Chorvachilik an'anaviy xo'jalik mashg'ulotlarining eng qadimiy ko'rinishlaridan va tirikchilik manbaini belgilovchi asosiy mehnat turlaridan biri bo'lgan. Chorvadorlarning turmush tarzi va ushbu mashg'ulot bilan bog'liq qarashlar, urf-odatlar etnografik materiallar asosida ma'lum darajada o'rganilganligini aytib o'tish joizdir[1]. Biroq, chorvachilik bilan bog'liq qadimiy diniy tasavvurlar va e'tiqodiy qarashlar alohida tadqiqot obyekti tarzida hozirga qadar maxsus tadqiq etilmagan. Zero, qadimgi davrlardan, ya'ni jonivorlarni qo'lga o'rgatish va xonakilashtirish jarayoni boshlangandan e'tiboran chorvachilik bilan bog'liq marosimlar va urf-odatlarda elning hayvonot olamiga bo'lgan munosabati aks etgan. Shu bilan birga, inson va tabiat, odamlar va xayvonot olami o'rtasidagi munosabatlar, kishilik jamiyatining bir necha ming yillik mehnat faoliyati bilan bog'liq bo'lgan tajribalari, makon va zamonga bo'lgan munosabati, ma'naviy qarashlari va, shubhasiz, o'sha davr diniy e'tiqodi aks etgan. Biz uchun shu o'rinda ahamiyatlisi chorvachilikka oid marosimlardagi diniy qarashlar, aniqrog'i islomgacha bo'lgan diniy e'tiqodlar va qarashlar bilan bog'liq urf-odatlar hamda marosimlardir.

Yuqorida ta'kidlanganidek, chorvachilik juda qadimiy mashg'ulot turi bo'lib, insoniyat tarixining ilk davrlaridan boshlab chorva bilan bog'liq kultlar, e'tiqodlar xalqlar turmush tarzida muhim ahamiyat kasb etgan. Zardushtiylik dinining mukaddas kitobi "Avesto"da chorvaga, ayniqsa, ot, qora mol hamda mayda tuyoqli uy hayvonlariga e'tiqodiy munosabat izohlangan[2]. Jumladan, "Avesto" matnlarida mayda mollarga homiylik qiluvchi ilox Frodat-Fshova nomi bilan zikr etilgan .

Do'smatova Oltinoy. Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedراسи stajyor-o'qituvchisi. *O'zbekistonning Afg'oniston muammosini hal qilishdagi pozitsiyasi*.....547

Раҳматова Н. Навоий давлат институти тадқиқотчиси. *Навоий вилоятида хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначиликнинг ўрни*.....554

Кодиржонов Дилшод Бахтиёрович. Миллий Гвардия Сурхондарё вилояти бошкармаси ходими подполковниги. *Сурхондарё вилояти ички ишлар органларида хотин-қизлар фаолияти*.....560

Мадина Рустамова. СамДУ докторанти. *Янги Ўзбекистонда гендер тенглик сиёсати (Самарқанд вилояти таҳлили мисолида)*.....565

Мамадаминова Бахтигул Абдупатгаевна. ТИҚХММИ-МТУ “Гуманитар фанлар” кафедраси доценти. *Ўрта Осиё ирригация тарихининг айрим жиҳатлари хусусида*.....569

Р.С.Атаханов. т.ф.ф.д (PhD), доцент, “Гуманитар фанлар” кафедраси Андижон машинасозлик институти. *Водий қорақалпоқларида анъанавий никоҳ ва унинг турлари*.....572

Алимухамевова Нодира Ядгаровна. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) «ТИҚХММУ» МТУ. *Глобаллашув жараёнларида шахснинг маънавий шаклланиши*.....575

Ergashov Isroil Abdumalik o'g'li. Termiz davlat universiteti tarix fakulteti o'qituvchisi. *Surxon vohasi chorvachiligiga oid qadimiy e'tiqodlar*.....578

Usanov Shuxrat Musurmonovich. TTATermiz filiali “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedراسи assistenti. *Surxondaryo viloyat milliy-madaniy markazlarining tashkil etilish tarixi, faoliyati va ahamiyati*.....582

Jovliyev Aziz Ismanqul o'g'li. Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti matematika va fizika kafedراسи o'qituvchisi. *Ba'zi muhim taqsimotlarning xarakteristik funksiyalari va ular yordamida sonli xarakteristikalari hisoblash*.....587

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАТСИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОДАВЛАТ ВА
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ**

**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

“ДАВР, ЗАМОН, ШАХС”

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТАРИХ
ВА ЭТНОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ, РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

Республика илмий мақолалар тўплами

<i>Муҳаррир</i>	<i>О. Қанаев</i>
<i>Бадий муҳаррир</i>	<i>А. Ақилов</i>
<i>Техник муҳаррир</i>	<i>Б. Ирисбоев</i>
<i>Мусахҳих</i>	<i>Д. Исмоилова</i>
<i>Саҳифаловчи</i>	<i>Б. Ирисбоев</i>

Нашриёт лицензияси. № 2013-975f-3c5e-d1e5-f4f3-8537-2366

Босишга 05.06.2023 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 18,25 б,т. Адади 500 нусха.

Шартнома № 18/72. Буюртма № 142.

“Adad Plus” МЧЖ босмахонаси.

Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кучаси, 28-уй .

